O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 5 январь, чоршанба • № 2 (11.701) • Эркин нархда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 январь куни Эрон Ислом Республикасининг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Орифни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлади, ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

– Сизни нафақат Эрон вице-президенти, балки ушбу мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган арбоб ва олим сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, – деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган. Давлатларимиз ўртасидаги алоқаларда мулоқот ва маслаҳатлашувлар доимийлик тусини олган. 2000 йилдан буён уч маротаба олий даражадаги учрашув ўтказилди. Икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасидаги мулоқотлар ҳам изчиллик касб этмоқда.

Эрон раҳбарияти Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди. Ҳозирги кунда томонларнинг ўзаро ҳамкорликдан манфаатдорлиги, айниқса, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишига қўмаклашишда яққол намоён бўлмоқда. Экстремизмга, террорчилик ва наркобизнесга қарши курашиш муаммолари ҳам ўзаро муносабатлардаги долзарб масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон ва Эрон Марказий Осиё билан Форс кўрфазини боғлайдиган халқаро транспорт йўлагининг Афғонистон орқали ўтувчи қисмини барпо этишда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2003 йилнинг ёзида Теҳронда имзоланган Трансафғон йўлагини барпо этиш тўғрисидаги уч томонлама ҳужжат муҳим аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳа ҳаётга татбиқ этила бошлади ва унинг ижросини жадаллаштириш учун давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш масаласи кўрилмоқда.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасида иқтисодий соҳада ҳам самарали ҳамкорлик қарор топган. Юртимизда Эрон компанияларидан ет-титасининг ваколатхонаси, эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган эллликка яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Транзит юк ташиш борасидаги кўрсаткичлар йил сайин ўсмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан каби ижтимоий соҳаларда ҳам алоқалар ривожланаётгани алоҳида таъкидланди.

Эроннинг биринчи вице-президенти самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун барча имкониятлар етарли эканлигини қайд этди.

Музокарада икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ЎзА.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ, 2004 йил 26 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун 120 та округ сайлов комиссияси ва 8088 та участка сайлов комиссияси тузилган эди. Сайловда сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 489 нафар депутатликка номзод, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – 114, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – 108, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясидан – 84, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан – 58, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан – 71, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан – 54 нафар депутатликка номзод қатнашди.

5 та сайлов округида икки нафардан, 23 та сайлов округида уч, 55 та сайлов округида тўрт, 32 та округда – беш, 5 та округда олти нафардан номзод бир депутатлик мандати учун кураш олиб борди.

Республика бўйича сайловчилар рўйхатига 14323709 сайловчининг фамилияси киритилиб, уларнинг 12197159 нафари, яъни 85,1 фоизи овоз беришда иштирок этди. Овоз беришда сайловчиларнинг Тошкент шаҳрида – 81 фоизи, Андижон вилоятида – 87,8 фоизи, Бухоро вилоятида – 86,4 фоизи, Жиззах вилоятида – 88,6 фоизи, Навоий вилоятида – 80,5 фоизи, Наманган вилоятида 88,3 фоизи, Самарқанд вилоятида – 84,7 фоизи, Сирдарё вилоятида – 86,9 фоизи, Сурхондарё вилоятида – 81,7 фоизи, Тошкент вилоятида – 82,3 фоизи, Фарғона вилоятида 87,4

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: корхонанинг илғор ишчиси Зулхумор Абдиева; корхона раҳбари ўринбосари Абдулҳай Жалилов ва лаборант Рамзида Саидовалар маҳсулот сифатини текширишмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ИШГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРГАЧ

У бир вақтлар сутни қайта ишлашга ихтисослашган йирик корхоналардан бири бўлиб, маҳсулотларининг бозори ҳам чаққон эди. Чунки улар кўп жиҳатдан парҳез ҳисобланарди. Хом ашё – сут асосан Бўстонлиқ, қисман эса унга қўшни бўлган туманлардаги чорвачилик фермаларидан келтириларди. Молларнинг озуқа рационида шу туманларда табиий етишган ўт-ўланлар ҳам бўлиб, айримлари шифобахш хусусиятларга эга эди. Шундай ем-хашаклар билан боқилган сигирларнинг сути ҳам шифобахш бўлиши табиийдир.

Шунинг учун бу корхонанинг турли-туман сут маҳсулотларига талаб ҳар доим катта бўлган. Лекин, бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга ўтишга пухта тайёргарлик кўрмаслик, унинг қонун-қоидаларини тўла инобатга олмаслик, чорвачилик фермаларининг хусусийлаштирилиши ва бошқа шу каби омилларнинг салбий таъсири тез орада сезила бошлади. Ишлаб чиқариш йил сайин сусайиб борди. Янги инвестор топилгач, корхонада технология жараёнларини такомиллаштириш имконияти туғилди. АҚШлик янги шерикнинг маблағи эвазига қатор асбоб-ускуналар янгиланди. Шу туфайли сўнгги уч йил давомида жамоа сафи кенгайди, сутни қайта ишлаб, тайёрланаётган маҳсулот ҳажми ва тури кўпайтириб борилди. Агар 2003 йилда ойига 200 тоннадан сут қайта ишланган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 480 тоннага етди. 2003 йилда 160 миллион 921 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2004 йилда 1 миллиард 18 миллион 675 минг сўмликка етди. Маҳсулот турлари ҳам икки баробардан зиёд ортди. Ҳозирги вақтда уларнинг 15 хили буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Қўшма корхонанинг маҳсулотлари асосан Тошкент ва пойтахт вилоятидаги буюртмачиларга жўнатилмоқда. Қаймоқ, сметана, творог, фойдали биологик бактериялар билан тўйинтирилган кефир, ширин қатиқ, қулупнайли, лимонли, олчали, ўрикли беш хил йогурт каби парҳез сут маҳсулотларига талаб доим бор.

— Ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш корхонамизда ойига сутни қайта ишлашни салкам икки марта кўпайтириш имконини беради, — дейди қўшма корхона раҳбарининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Абдулҳай Жалилов. — Маҳсулот турлари эса янада кўпайтирилиб, ками билан 20 хилга етказилади. Бу билан истеъмол бозорини тўлдиришга қўшаётган ҳиссамиз янада ортади. Маҳсулотларимиз экологик тоза бўлиши керак. Бу ишимизга катта масъулият билан ёндошишимизни тақозо этади.

Янги йил арафасида пойтахтда «Ўзбекистонда йил танлови-2004» республика фестивал-танлови ғолибларини мукофотлашга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистонда «Ижтимоий ва иқтисодий тадқиқотлар агентлиги» «Европа ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлари фонди» (Белгия-Брюссел) ва «Европа маркетинг тадқиқотлари маркази» ёрдамида ва ташаббуси билан ўтказилаётган бу фестивал-танлов ғолиблари қаторида «Бўстонлиқсут» қўшма корхонасига ҳам мукофот топширилди.

МУБОРАК ҲАЖ САФАРИ ОЛДИДАН

Республика Киночилар уйида муборак ҳаж сафарига борувчи фуқаролар билан учрашув бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тамонидан ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари қўмитаси, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ва бошқа қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ислом дини арконларидан бўлмиш ҳаж ибодати унга қодир бўлган ҳар бир мусулмоннинг бажариши фарз бўлган амаллардан ҳисобланади. Истиқлол йилларида юртимизда фуқароларнинг ушбу муборак зиёратни эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Агар собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистондан йилига икки ёки уч нафар киши муқаддас масканларни зиёрат қилиш имконига эга бўлган бўлса, бугунги кунда йилига тўрт мингдан зиёд фуқароларимиз ҳожи бўлиш шарафига муяссар бўлишмоқда.

Муборак ҳаж сафарига отланган фуқароларга яна бир қулайлик яратилди. Эндиликда улар пойтахт Тошкентдан тўғри Мадинаи Мунавварага учиб боришади. Олдинлари Тошкентдан Жиддага бориб, Жиддадан автобусларга ўтириб 10 соат мобайнида Мадинаи Мунавварага бориларди. Учрашувда зиёратчиларга ҳаж ибодатини кўнгилдагидек адо этиш, Саудия Арабистони ҳудудида мазкур мамлакат талаблари асосида ҳаракат қилиш бўйича тавсиялар берилди. Вужудга келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларда ўзларини қандай тутишлари тўғрисида маълумот берилди.

Учрашувда муборак ҳаж сафарига борувчи фуқароларнинг биринчи гуруҳи 5 январь куни Тошкентдан Мадинаи Мунавварага жўнаб кетиши маълум қилинди.

«Туркистон-пресс».

Мукофотлар топширилди

Пойтахтимизда 2004 йилда Ўзбекистон фонд бозорининг энг фаол иштирокчиларига мукофотлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбир Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Инвестиция институтлари миллий уюшмаси томонидан ташкил этилди.

«Марказнинг энг яхши бошқармаси» номинациясида Эмитентлар фаолияти назоратини амалга ошириш бошқармаси ғолиб деб топилди.

«Энг яхши ҳудудий бошқарма» номинациясида Фарғона вилояти бошқармаси, «Энг яхши инвестиция воситачиси» номинациясида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Биринчи банкларо депозитарий – «Энг яхши депозитарий», «TREPANG» – «Энг яхши реестр эгаси бўлган компания», «Ўзбекинвест сармоялари» – «Энг яхши инвестиция компанияси», «Сарбон инвест» – «Энг яхши бошқарувчи компания», «Камалак» – «Энг яхши инвестиция фонди», «Ansher Capital» компанияси – «Энг яхши инвестиция маслаҳатчиси», «Бизнесбанк» – «Энг яхши андеррайтинг компанияси», «Оҳангаронцемент» очиқ турдаги акционерлик жамияти – «Энг яхши акционерлик жамияти» номинацияларида ғолиб чиқди.

Ж. РАУПОВ, ЎзА мухбири.

ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМИЗ БЎЛСИН

Доно халқимиз инсонларнинг сиҳат-саломатлиги, ҳаёт зийнатлари ва дунёнинг буюк неъматларидан баҳра ола билишнинг воситалари, фароғат ва ҳаловатда ҳаёт кечиришнинг сирлари ҳақида азалдан жуда кўп улуғ фикрларни билдириб келган.

Сиҳат-саломатлик, тозалик ва беморлар ҳақида донишмандларимизнинг юзлаб, минглаб мақол, ўгит ва насиҳатлари бор: «Соғлиқ — умрнинг гарови», «Мол кетса кетсин, эсон-соғлиққа не етсин», «Соғ юрак — тоғ юрак», «Бойликнинг боши — соғлиқ», «Бола соғлиги — она бойлиги», «Поклигинг — соғлигинг», «Бир кунлик иситма қирқ кунлик кучни олар» каби юзлаб мақолларимиз борки, буларнинг барчаси ҳар бир инсоннинг бахтли ҳаёт кечиришига ва узоқ умр кўришига қаратилгандир.

Шу ўринда Абдурахмон Жомийнинг инсон саломатлиги ҳақидаги фикрларини келтириш жоиз:

Хуш ҳаёт омили бешга етади,
Барча доно шунга қилур ишорат.
Соғлигу омонлигу ҳам фаровонлик,
Яхши суҳбатдош дўст, дилга фароғат.

Соғлом авлод тарбиясига эришиш мақсадида 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Аминмизки, халқимизнинг ҳаётини яхшилаш, унинг фаровонлигини муттасил юксалтиришга қаратилган бу тадбир ҳам жамиятимизнинг ўз тараққиёт йўлида янгидан-янги поғонага кўтарилишида, унинг моддий ва маънавий ҳаётида жуда муҳим унутилмас босқич бўлади.

Инсон саломатлигининг ниҳоятда қимматлигини назарда тутиб, одамларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, аҳоли соғлиғини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётганлиги барчамизга аёндир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, одамларимиз сиҳат-саломатлигини давлат йўли билан яхшилаш, бу соҳадаги ҳаракатлар учун етарли маблағлар ажратиш, тегишли идора ва ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш ўз йўли билан. Лекин биз бошқа муҳим ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. Яъни, одамзотнинг соғлиги кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз катта ўрин тутади. Буни кўп асрлик ҳаёт тажрибаси ҳам, тиббиёт тажрибаси ҳам исботлаб келмоқда.

Ўзини тўкис ва гўзал қиёфада тасаввур этишни хоҳлаган ҳар бир одам энг аввало содиқ шифокорлар, яъни — меҳнат ва меъёр билан дўстлашмоғи лозим.

Ана шу меъёрларга амал қилинмаса, барча касалликларнинг сабабчиси бўлган баднафсликнинг олди олинса, узлуксиз ичкиликбозлик, тизгинсиз муҳаббат омилларига берилиб кетиш натижасида умр бўйи беҳисоб дардга ва азоб-уқубатга чалиниб қолиш мумкин. Меъёрида оққан дарё гўзал бўлади, деган нақл бор. Миллий қадрият, урф-одат ва маросимларимиз тикланиши, халқимиз фаровонлигининг юксалиши натижасида «амру маъруф», «аҳиқа» каби тадбирлар нишонланадиган бўлди. Бошқа тўй ва йиғинлар ҳам тўкинлик билан ўтмоқда. Буларнинг барчаси турмушимиз фаровонлигининг яққол намунасидир. Лекин ҳар яхшининг бир ёмон, ҳар ёмоннинг бир яхши томони бор, деганларидек, бу маросимларда ҳам меъёрдан чиқиб кетмаяпмизми? Хоҳлаган кун, хоҳлаган соатларга тадбирлар белгиланиб, саломатлигимизга ҳам путур етказаётган ҳолатлар бўлмаётганмикин? Зеро, ҳаётнинг тўкинлиги бўлса-ю, мазмуни бўлмаса, у инсоний ҳаёт эмас.

Бизнинг асосий бойлигимиз ҳисобланган саломатлик, соғлом турмуш тарзи, эркинлик, тан ва руҳнинг мустаҳкамлиги, яхшиликка, қўшнилар ва дўстлар билан аҳиллиққа интилиш, осойишталик ва мулойимлик каби фазилатлар янги йилда барчамизнинг доимий ҳамроҳимиз бўлсин.

Эркин ГУЛОМОВ, «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент тумани бўлими раҳбари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
Бизнинг индекс – 205.
Эслатиб ўтамиз: Обуна давом этмоқда

ВИЛОЯТ ҳаёти

БОЛАЛАР УЧУН БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Янги йил байрами кунлари Олмалиқ шаҳридаги ёрдамга муҳтож оила фарзандлари ва етим болалар ҳам эътибордан четда қолмадилар.

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бир неча жамоат ташкилотлари биргаликда турли ширинликлар, кийим бошлардан иборат байрам совғаларини болажонларга тортиқ этдилар.

Шунингдек, шаҳардаги барча болажонларга президент совғалари ҳам топширилди.

Равшан ОТАБЕКОВ.

«ОИЛАВИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ АМАЛДА»

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Зангиота туман таянч пункти билан ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилоти ҳамкорлигида «Оилавий таълим дастури амалда» шиори остида мурувват тадбири уюштирилди.

Шунга мувофиқ, тумандаги 100 та хонадоннинг кичкинтойлари учун расмли китоблар, ўқув қуроллари ва савол-жавоблар дафтарчаси тарқатилмоқда.

Уч кун давом этиши кўзда тутилган тадбирда Янгиобод, Иттифоқ, Дўстлик, Далагузар, Қоракўса маҳаллаларидаги хонадонларга мурувват кўрсатилиши белгиланган.

Тарқатилаётган саволжавоб дафтарчаси 14 варақдан иборат бўлиб, унда гўдакларнинг ўсиб-улғайиши жараёнида юз берадиган ўзгаришлар батафсил кўрсатилган.

Камол АСОМОВ.

ЗАМОНАВИЙ МАСКАНГА АЙЛАНДИ

Қибрай тумани Салор шаҳарчасида жойлашган Молия-тижорат касб-ҳунар коллежи мамлакатимиздаги етакчи илм масканларидан ҳисобланади.

Узоқ йиллардан бери савдо, ҳисоб-китоб, молия, маиший хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича ўрта бўғин мутахассисларни тайёрлаб келаётган муассасанинг ўқув биноси анча вақтдан бери таъмирталаб ҳолга тушиб қолган эди.

Айни пайтда коллеж замонавий кўриниш касб этган. Бу ерда дарслар талаб даражасида олиб борилмоқда. Вилоятлардан келиб ўқиётган талабалар учун ҳам керакли шарт-шароитлар мавжуд. Коллежни тубдан қайта таъмирлашга қарийб 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Шералн ҒАЙРАТОВ.

ВИЛОЯТ ҳаёти

Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 11, 41, 45 ва 46-моддаларига мувофиқ Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг баённомаларига асосан Тошкент вилояти сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Қуйидагилар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

Т/р	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	Абдуллаев Убайдулла	1958	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Пскент тумани ҳокими	Пскент тумани	43-Кориз сайлов округи
2	Абдуразаков Абдурахман	1952	ЎзХДП вилоят Кенгаши, партиясиз	«Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси цехи оператори	Бекобод шаҳри	5-Металлург сайлов округи
3	Азамов Мухиддин Мухтарович	1962	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Бекобод тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлим бошлиғи	Бекобод тумани	17-Бекобод сайлов округи
4	Ан Зоя	1954	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Тошкент вилояти «Корейс миллий жамияти» раиси	Тошкент шаҳри	47-Охунбобоев сайлов округи
5	Ахмеджанова Адиба Камилджановна	1955	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари	Тошкент шаҳри	52-Олмазор сайлов округи
6	Белекбаев Рахматилла Махкамович	1957	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	«Олмалиқ фото» хусусий корхонаси раҳбари	Олмалиқ шаҳри	8-Олмалиқ сайлов округи
7	Бобоев Шукурулло Хабибуллаевич	1959	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Чирчиқ шаҳар ҳокими	Тошкент шаҳри	11-Чирчиқ сайлов округи
8	Бобожонов Тошпўлат Лепесевич	1935	Фидокорлар МДП вилоят Кенгаши, ФМДП аъзоси	«Ўзбекгеофизика» ОАБ бошқаруви раиси	Қибрай тумани	31-Янгиобод сайлов округи
9	Ботиров Турғун Йўлдошевич	1950	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Оққўрғон тумани ҳокими	Чиноз тумани	36-Оққўрғон сайлов округи
10	Гапаров Алишер	1949	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Юқоричирчиқ тумани ҳокими	Зангиота тумани	54-Янгибозор сайлов округи
11	Гуломов Саидахрор Саидахмедович	1947	Фидокорлар МДП вилоят Кенгаши, ФМДП аъзоси	Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори	Тошкент шаҳри	59-Гулбаҳор сайлов округи
12	Закирова Ханифа Абдусалиевна	1958	ЎзМТДП вилоят Кенгаши, ЎзМТДП аъзоси	Қуйичирчиқ тумани «Эркин сўз» газетаси бош муҳаррири	Қуйичирчиқ тумани	33-Дўстобод сайлов округи
13	Ибрагимов Улуғбек Махаматович	1957	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Тошкент вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ бошқаруви раиси	Зангиота тумани	48-Қорасув сайлов округи
14	Исабоев Акмалжон Тешабоевич	1963	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Зангиота тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	25-Назарбек сайлов округи
15	Касимов Абдулнасир Маматович	1968	Фидокорлар МДП вилоят Кенгаши, ФМДП аъзоси	«Автодомплюс» МЧЖ бош директори	Тошкент шаҳри	38-С.Раҳимов сайлов округи
16	Коваль Татьяна Александровна	1964	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Чирчиқ «Ўзбеккимёмаш» ОАЖ электромонтёри	Чирчиқ шаҳри	13-Кимёгарлар сайлов округи
17	Куккузов Кембай Кулахимедович	1959	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси	Чиноз тумани	53-Эски Тошкент сайлов округи
18	Куччиев Мирзамашраб Раззоқович	1954	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Бекобод тумани ҳокими	Бекобод тумани	18-Зафар сайлов округи
19	Миралимов Жўравой Деҳқанбаевич	1954	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Бўка тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	21-Бўстон сайлов округи
20	Мирахмедов Ғайрат Жураевич	1962	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	«ЎзТошГРЭС қурилиш» бошқармаси раҳбари	Қибрай тумани	30-Чинобод сайлов округи
21	Муратов Мухутдин Кодирович	1952	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	«Оҳангаронцемент» ОАЖ бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри	10-Оҳангарон сайлов округи
22	Насимов Нўъмон Насимович	1933	«Адолат» СДП вилоят Кенгаши, «Адолат» СДП аъзоси	«Нуроний» хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раиси	Тошкент шаҳри	19-Далварзин сайлов округи
23	Омонов Фарҳод Ботирович	1959	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	«Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси	Тошкент шаҳри	35-Олимкент сайлов округи
24	Осмонов Шевкет Меметович	1936	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Ангрен шаҳридаги «Саноатқалинқоғозсавдо» ОТХ жамияти бошқаруви раиси	Ангрен шаҳри	3-Нурчи сайлов округи
25	Позилов Искандар Абдижалилович	1960	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри	46-Қизғалдоқ сайлов округи
26	Рашидов Авазхон Эркинович	1965	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Янгийўл туманидаги «Ишонч» фермер хўжалиги раҳбари	Янгийўл тумани	57-А.Ортиқов сайлов округи
27	Саидрахмонов Саидкарим Саидахмедович	1971	Фидокорлар МДП вилоят Кенгаши, ФМДП аъзоси	«Янгийўлнон» шўъба корхонаси раҳбарининг ўринбосари	Янгийўл шаҳри	60-Шўралисой сайлов округи
28	Сайдахмедов Хотам Анварович	1957	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Чирчиқ «Электрокимёсаноат» ОАЖ бошқаруви раиси	Чирчиқ шаҳри	12-Саноатчилар сайлов округи
29	Салимова Дилором Умирзаковна	1949	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар қўмитаси раиси	Қибрай тумани	32-Байтқўрғон сайлов округи
30	Санақулов Қувондик	1957	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	«Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ бош директори	Тошкент шаҳри	7-Наврўз сайлов округи
31	Султанов Билол Мухторович	1949	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Зангиота тумани «Фаровон» кооператив фирмаси раҳбари	Тошкент шаҳри	26-Эшонгузар сайлов округи
32	Темиров Сайфулла Эргашевич	1952	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, партиясиз	Тошкент тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	45-Келес сайлов округи
33	Топилов Олимжон Хасанбоевич	1964	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент вилояти филиали раҳбари	Янгийўл тумани	16-Янги ҳаёт сайлов округи
34	Тўлаганов Козим Носирович	1949	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, партиясиз	Тошкент вилояти ҳокими	Тошкент шаҳри	22-Ғазалкент сайлов округи
35	Тулаганова Муҳайё Мирза-алиевна	1946	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Тошкент вилояти Касаба уюшмалари Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	28-Ўртаовул сайлов округи
36	Умирзоқова Дилфуза Тиллабоевна	1967	ЎзМТДП вилоят Кенгаши, ЎзМТДП аъзоси	Бўстонлиқ тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокимининг ўринбосари	Бўстонлиқ тумани	23-Искандар сайлов округи
37	Умирзоков Шункор Умарович	1959	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Оҳангарон туманидаги «Оҳангарон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси	Оҳангарон тумани	37-Қорахитой сайлов округи
38	Фадеев Александр Валентинович	1959	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Ангрен кўмир кони экскаваторчиси	Ангрен шаҳри	1-Ангрен сайлов округи
39	Файзуллаев Зафар Жоруллаевич	1958	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Янгийўл шаҳар ҳокими	Янгийўл шаҳри	15-Янгийўл сайлов округи
40	Фармонов Александр Касимович	1958	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, партиясиз	«Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори	Бекобод шаҳри	6-Фарҳод сайлов округи
41	Ҳусанбоев Бахтиёр Махмудович	1949	Фидокорлар МДП вилоят Кенгаши, ФМДП аъзоси	«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси	Тошкент шаҳри	40-Бойқозон сайлов округи
42	Эшов Усмонали Джаханалиевич	1958	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Паркент туманидаги «Паркент» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси	Паркент тумани	41-Заркент сайлов округи
43	Эшонқулов Қамбарали Тешабоевич	1961	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Бўстонлиқ тумани ҳокими	Бўстонлиқ тумани	24-Чорбоғ сайлов округи
44	Юсупов Абдуғани	1946	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси	Янгийўл тумани	58-Ниёзбош сайлов округи

Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси **С. ҚУРБОНҚУЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 январь.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

фоизи, Хоразм вилоятида – 84,9 фоизи, Қашқадарё вилоятида – 86,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасида – 85,2 фоизи қатнашди.

Барча 120 та сайлов округида овоз беришда сайловчилар рўйхатларига киритилганларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди ва мазкур округларда сайлов ўтган, деб топилди. Овоз бериш натижаларига кўра 62 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг орасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – 21 киши, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – 18, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партия-

(Давоми. Боши 1-бетда).

сидан – 9, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан – 6, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан – 2, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан – 6 киши бор. 62 нафар сайланган депутатнинг 8 нафари – 12,9 фоизи хотин-қизлардир.

Республика бўйича 58 та сайлов округида депутатликка номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмади. Шу сабабли 2005 йил 9 январь куни такрорий овоз бериш ўтказиш тўғрисида 2004 йил 29 декабрда қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов очиқ, ошкоралик руҳида, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий кузатувчиларнинг кенг иштирокида ўтди. Парламент сайловида 40 давлатдан 228 нафар хорижий кузатувчи, жумладан МДҲ, ЕХҲТ кузатувчилар миссиялари қатнашди. Сайлов сайлов қонунчилигига тўла мувофиқ ҳолда ўтди. Бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида демократик жараёнлар янада ривожланаётганлигидан далолатдир.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА.

Такрорий овоз бериш:

У ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

Мамлакатимизда демократик сайловларнинг дастлабки босқичи ўтди. Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича айрим округларда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоятимиздаги 7 та, Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 15 та сайлов округида 9 январь куни такрорий овоз бериш ўтказилади.

Хўш, бу жараёнга қандай тайёргарлик кўрилади? Такрорий овоз бериш қандай ташкил этилади? «Тошкент ҳақиқати» мухбирининг шу сингари саволларига вилоят сайлов комиссиясининг раиси Суяржон Қурбонқулов жавоб беради.

— Марказий сайлов комиссияси қарорининг иловасида кўрсатиб ўтилганидек, вилоятимизда ҳам Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 7 та сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилади. Шунингдек, Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 15 та сайлов округида шу жараён такрорланади. Жумладан, Ангрен шаҳри ва Юқоричирчиқ туманидаги иккитадан, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Бўка, Зангиота, Қибрай, Қуйичирчиқ, Паркент, Пскент, Тошкент, Ўртачирчиқ, Чиноз туманларидаги биттадан округларда такрорий овоз беришни ўтказишга тайёргарлик бошлаб юборилди. Ўртачирчиқ туманидаги 50-Истиқлол сайлов округида эса шу йил 23 январь куни такрорий сайлов ўтказишга тайёргарлик бормоқда.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддаси биринчи қисмига мувофиқ такрорий овоз бериш асосий сайлов даврида сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади. 50-Истиқлол сайлов округи бўйича депутатликка овозга қўйилган икки номзоддан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозлар сонини тўпламади. Шу боис бу округда депутатликка янги номзодлар кўрсатилиб, такрорий сайлов ўтказилади. Бу жараён қонун талабларига қатъий амал қилинган ҳолда кечади. Сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар ўз номзодларини кўрсатиб, вилоят сайлов комиссияси уларни рўйхатга олгач, бошқа барча тадбирлар тегишли тартибда давом этади.

Сайловлар тажрибасидан такрорий овоз бериш ҳолатлари яхши маълум. Шу боис мамлакатимизнинг сайлов тўғрисидаги қонунчилигида ҳам бу жараён мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга мувофиқ, такрорий овоз беришнинг биринчи турида энг кўп, аммо сайланиш учун белгилаб қўйилган зарурий миқдордан кам овоз олган номзодлар бўйича ўтказилади.

Ўтган сайловларнинг диққатга сазовор жиҳати шу бўлдики, бу жараён кучли рақобат асосида ўтди. Чунончи, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига 51 сайлов округи бўйича ҳар бир депутатлик ўринларига уч ва ундан кўп номзод кўрсатилди. Сайловлар очиқ, ошкора ўтди, кўп сонли кузатувчилар унинг демократик руҳда ўтганлигини тасдиқлашди. Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эмин-эркин ифодалашди.

Бугун такрорий овоз бериш қандай тартибда ўтиши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Такрорий овоз бериш бюллетенларига сайлов қонунчилигида белгиланганидек, муайян округ бўйича асосий сайловда энг кўп овоз олган икки номзоднинг фамилияси киритилишини таъкидламоқчиман. Бинобарин, овоз бериш пайтида сайловчи ўзи танлаган, яъни ҳар икки номзоддан бирининг фамилияси рўпарасидаги катакчага белги — крестик қўяди. Табиийки, номзодлар фамилияси рўпарасидаги ҳар иккала катакчага белги қўйилган ёки уларнинг биттасига ҳам белги қўйилмаган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиш фоизи ҳисобга олинмайди. Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида, сайловчиларнинг мавжуд рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Такрорий овоз беришга тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури тасдиқланди. Унга кўра, шу кунларда қайта овоз беришда иштирок этаётган депутатликка номзодлар ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Номзодлар белгиланган вақтларда сайловчилар билан учрашиб, ўз дастурлари билан чиқаётирлар. Округ ва участка сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни ташкил этишга қонунда кўзда тутилган тарзда тайёргарлик кўришаётир. Улар зарур транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган. Бутун ташвиқот-тарғибот ишлари номзодлар ва сиёсий партиялар ўртасида тенглик асосида, қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

• Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар

САНЪАТ — МАВЖУДЛИК ИФОДАСИ

Иқтидорли ёшларимиз ҳамиша жамият равнақининг етакчи, ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келган. Шу боис ҳам мустақиллик йилларида улар ўз салоҳиятларини тўла намоён этишлари учун ҳар соҳада шарт-шароитлар яратилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг мазмун-моҳиятини тўлалигича англаб етган қизларимиз орасида ушбу танловда иштирок этиш иштиёқи кучайиб, талабгорлар йилдан-йилга ортиб бораётир.

Янгийўл тиббиёт коллежи талабаси Ҳафиза Низомованинг болаликдан санъатга бўлган меҳри бугун уни ушбу танловда иштирок этишга етаклаган бўлса ажаб эмас. У вилоят танловида муваффақият қозониб, республика босқичида иштирок этиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳафиза Низомова 1985 йилнинг 1 декабрида Янгийўл шаҳрида туғилди. Шаҳардаги 13-болалар боғчасида Ҳафиза учун санъат гулшанининг мафтункор сирлари очила бошлади.

— Ҳамон ёдимдан чиқмайди, — дейди суҳбатдошим. — Беш ёшда эдим, ўшанда. Жажжи рақҳоса сифатида тарбиячиларда илиқ таассурот қолдирган эканман-ми, ҳар бир тадбирда, албатта, қатнашардим. Ҳатто, бир куни телевидениедан келишиб, «Болалигим — пошшолигим» кўрсатуви учун тасвирга тушириб кетишди. Ўшанда ўзбек миллий куйларидан бири — «Мустаҳзод»га рақсга тушгандим. Тўғриси, болаликдаги ҳис-ҳаяжонга тўла муваффақиятим келгусида санъат оламига дадил қадам қўйишимга омил бўлди.

Икки акадан кейин Ҳафиза ҳам 6-мактабнинг биринчи синфига қадам қўйди. Дарсларни пухта ўзлаштира бориб, зийраклиги, илмга чанқоқлиги билан синфдошлари ва устозларини ром эта бошлади. Турли танловлар, байрам тадбирларида истеъдодининг янги-янги қирраларини намоён этиб, муваффақият қозонди.

Болаликдан санъатга бўлган иштиёқ унга тинчлик бермай қўйди. Бошланғич синфдалигидаёқ шаҳар «Болалар» ижодиёт маркази қошидаги «Қувноқ ёшлигим» рақс дастасида ўз ижодини сайқаллай бошлади. Дастлабки уринишлар зое кетмай, рақс санъати довонларига кўтарилишига ишонч бағишлади. Устози, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, рақс дастаси раҳбари Ваҳобжон Охунов бошчилигида турли композицияларга қўл урди. 6-синфда ўқиб юрган кезлари болалар ўртасида бўлиб ўтган қўшиқ кўрик-танловининг республика босқичида «Қувноқ ёшлигим» рақс дастаси вокал гуруҳида иштирок этиб, шаҳар шаънини ҳимоя қилганди. Ўшанда гуруҳ ижоди ижобий баҳоланиб, иккинчи ўринга лойиқ топилди.

— Еттинчи синфни тамомлагач, — дейди Ҳафиза, — ҳужжатларимни Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига топширдим. У ерда ўзбек миллий рақсидан Нурхон Олимжонова, Юлдуз Исматова, мумтоз қўшиқ санъатидан Алла Эркинова каби малакали устозлар дарс ўтишди. Астойдил меҳнатларим туфайли икки йил давомида аълочи-иқтидорли ўқувчилар сафида эдим. Лекин, оилавий сабабларга кўра, олий мактабни тарк этишимга тўғри келган. Тўққизинчи синфни яна аввал таълим олган мактабимда бошладим. Ўқишни бир йил давом эттириб, 2002 йил Янгийўл тиббиёт коллежида таҳсил ола бошладим. Коллежнинг акушерлик иши бўлимида биринчи босқич талабалари эдик. «Ҳамшира — 2004» танловида иқтидорли талабалар орасида ғолибликни қўлга киритдим. Ўқиш, илм ўрганиш билан бирга севимли машғулотим коллеж кутубхонасида китоб мутоаласи билан шуғулланаман. У ерда китоб фонди 50 мингдан зиёд. Турли илмий-услубий рисолалар, бадиий китоблар, жаҳон адабиёти дурдоналаридан фойдаланаман.

Мана бир йилдан ошдики, Ҳафиза ёшликдаги ўзи ҳавас билан қатнаган рақс дастасига раҳбарлик қилмоқда. Бугунги кунда ушбу тўгаракда олган 15 йиллик тажрибалари асқотмоқда. Ҳозир «Қувноқ ёшлигим» рақс дастасида 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган 60 нафарга яқин қизлар санъат сирларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Ҳафиза қўшиқчилик борасида ҳам ютуқларга эришмоқда. Жумладан, у ўз қўшиғини ёзиб, уни «Аёл қалби» деб номлади. «Навоий гулшани» маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган байрам тадбирида ушбу қўшиқни шаҳар аҳли илиқ кутиб олди.

— Ижод юзасидан турли давраларда бўлганимда, — эслайди Ҳафиза. — Янгийўл бир пайтлар вилоятнинг йирик ҳамда бетакрор маданият маркази сифатида ном қозонганлиги ҳақида гапиришади. Янгийўл театрида ўнлаб атоқли санъаткорлар фаолият кўрсатиб, юртда довруғ таратишган. Ҳозир ҳам маданият уйида бадиий-ижодий муҳит мавжуд, уларга чинакам санъат ихлосмандлари жалб этилиши керак ва аввалги мавқеини янги руҳ билан бойитиш лозим, деб ўйлайман. Мана шу мақсад сари интилиб, ижодий жамоа билан оз бўлса-да, ҳисса қўшсам дейман. Инсон қай соҳада фаолият юритишидан қатъи назар, ҳаётида жамият равнақи, халқ фаровонлиги учун хизмат қилса, бунинг мевасини кўриши шубҳасиз. Санъат — мавжудлик ифодаси. Киши йўқки, ундан маънавий озуқа, завқ-шавқ олмаса. Санъат кишилар ҳаёти билан уйғунлашиб кетган узвий бир оламдир.

Бугунги кунда вилоятимиз вакиласи Ҳафиза Низомованинг бадиий-ижодий изланишлари ва ютуқлари миллий қадриятларимиз мустаҳкамланишига хизмат қилиши, ижрочилик, рақс соҳасидаги миллий-анъанавий маҳорати ҳамда ижтимоий-маданий ҳаётдаги фаол иштироки вилоят босқичида холисона баҳоланиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг санъат йўналиши бўйича республика босқичида иштирок этишга лойиқ, деб топилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: *вилоятимиз вакиласи — Ҳафиза Низомова.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ИККИЛАМЧИ МЕТАЛЛ – БЕБАҲО БОЙЛИК

Мамлакатимиз қора металлургия саноати ривожида иккиламчи хомашё – металл чиқинди ва парчаларини тўплаш, ишлашга тайёрлаш ва топшириш муҳим ўрин тутади.

– Ўтган йил якунига кўра «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига олтмиш беш минг тоннадан кўпроқ саноатбоп қора металл парчаси етказиб бердик, – дейди «Иккиламчи қора металлар» давлат унитар корхонаси директори Зайниддин Шарипов. – Шартномавий мажбурият 115 фоизга бажарилди. Натижада корхонамиз бекободлик металлурглар узлуксиз ишлаши учун муносиб ҳисса қўшди.

Металл чиқиндилари тўплашда моддий рағбатлантириш омилларидан самарали фойдаланишнинг йўлга қўйилгани йилни юқори натижа билан якунлаш имконини берди.

ЎзА.

Ангрен шаҳрида тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш юзасидан белгиланган қатор чора-тадбирлар режа асосида амалга оширилмоқда.

ИЛМИЙ МАРКАЗНИНГ ШАҲАР БЎЛИМИ

Хусусан, шаҳар марказий шифохонаси қошидаги шошилинч тиббий ёрдам бўлими тўла таъмирланди, тез ёрдам машинаси ажратилди. Шунингдек, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг шаҳар бўлимини ташкил этиш мақсадида марказий касалхонанинг 1-биносида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Юз ўринга мўлжалланган бўлим ишга тушгач, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва беморларга тўла ташҳис қўйиш имконияти яратилади.

Равшан РУСТАМОВ.

МАҲАЛЛАДА ТАБИИЙ ГАЗ

Бекобод туманида аҳолини табиий газ билан тўла таъминлаш ишлари режали олиб борилмоқда. Хусусан, куни кеча «Оқтон» маҳалласига ҳам табиий газ етиб борди.

Аҳолига бундай қулайликни вилоят газ тармоқлари бошқармаси ва туман бўлимлари ҳамкорликда яратиб бердилар. Қарийб ярим километрга тортилган газ қувурлари 50 га яқин хонадонга зангори оловни олиб кирди.

Ҳозир туманда газлаштирилган хонадонлар сони 13500 тадан ошди.

Рустам НЕЪМАТЖОНОВ.

• Таҳлил ва сабоқ

МАҚСАД – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Якунланган 2004 йилда турли соҳа ва жабҳаларда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бера бошлади. Ўсиб келаётган ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ёшларни юзага чиқариш борасида амалий натижаларга эришилди.

Ҳозирги кунда вилоятда 2 та меҳрибонлик уйи ва 12 та мактаб-интернат мавжуд бўлиб, улар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар ва туман бўлимлари кенгашларига бириктирилган. Йил давомида уларда дастурий вазифаларимизни амалга ошириш мақсадида ўнлаб тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, Бўстонлиқ тумани 6-махсус мактаб-интернатда ташкил этилган тадбир ўқувчи-ёшлар салоҳиятини оширишга хизмат қилди. «Кўнгил» театр студиясининг саҳна асари эса, ёшларда меҳр-оқибат туйғулари ошишига ёрдам берди, десак янглишмаймиз.

Ота-она меҳрига муҳтож бўлган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳаётда ўз ўринларини топишларига алоҳида эътибор қаратилди. Уларга ғамхўрлик кўрсатиш, келажакда соғлом бўлиб етишишларига кўмаклашиш мақсадида Чирчиқ шаҳар «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан спорт анжомлари ҳамда пойтахтимизда фаолият олиб бораётган «НВ девелопмент» кичик корхонасида ишлаб чиқарилган 255 минг сўмлик юмшоқ ўйинчоқлар совға қилинди.

Олмалиқ шаҳрида кам таъминланган, қаровчисини йўқотган, ногирон қариялар ҳамда ҳаракат аъзолиги ёшидаги етим болалар тўғрисида маълумотлар базаси яратилди. Улар ҳолидан хабар олиниб, турли ёрдамлар кўрсатилмоқда. Шаҳардаги 80-махсус мактаб-итернатда 252 нафар, 6-ёрдамга муҳтожлар мактабида 224 нафар бола тарбияланади. Вилоят ва шаҳар кенгашлари уларни оталиққа олиб, амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жумладан, 80-мактаб-интернатда таҳсил олаётган кам таъминланган ўқувчиларга вилоят кенгаши томонидан Германияда ишлаб чиқарилган 50 минг сўмлик 13 та эшитиш аппарати тақдим этилди.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ёшлар ҳаракатининг асосий мақсадларидан биридир. Бу борада барча шаҳар ва туман кенгашлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Чунончи, Оққўрғон туманидаги 78-махсус ёрдамчи мактаб-интернатидаги 295 нафар тарбияланувчининг ҳар бири фермер хўжаликларига бириктирилди. Ҳар бир фермер бола эҳтиёжини бекаму кўст таъминлашни ўз зиммасига олди.

Ўтаётган ҳар бир йил ўз номи билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси янги жамиятда соғлом авлодни тарбиялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ўзининг соғлом фикрига эга бўлган баркамол, бақувват ёшлар бўлиб етишишларига кўмаклашишга қаратилган. Ҳар бир мамлакат ва халқнинг қадимий, навқирон анъаналари бўлади. Ҳар йили асосий қонунимиз қабул қилинган кун олдидан, янги йилни бирор бир ном билан аташ анъанага айланиб улгурди.

Юртбошимиз томонидан 2005 йил — «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши, халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Келгусида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, спорт ишларини жонлантириш, бир сўз билан айтганда соғлом турмуш тарзи талабларини тарғиб қилиш масалалари янада жонланади.

Амрулло КАРИМОВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг матбуот котиби.

• Ислоҳот одимлари

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТАН ОЛИНГАН

«Оҳангароншифер» очиқ ҳиссадорлик жамияти кейинги йилларда республикамиз бинокорлик материаллари саноатининг етакчи корхоналаридан бирига айланди.

Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан буни асосий маҳсулот ҳисобланган шифер плиталари тайёрлашда ҳам аниқ кўриш мумкин. 2002 йилда 168 миллион шартли плита шифер тайёрланган эди, 2003 йилда бу рақам 170 миллионга чиқди. Ўтган йили 175 миллион атрофида шифер ишлаб чиқарилди. Агар 2002 йилда ҳар бир акцияга 2450 сўмдан дивиденд тўланган бўлса, 2003 йили 3000 сўмдан тушди. Олди акционерлар 10-15 миллион сўмлаб дивиденд олдилар. 2002 йилда корхона 1,5 миллиард сўм соф фойда олган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 1,66 миллиард сўмга етди. Ўтган йил якунида 2 миллиард сўм соф фойда олиш мўлжалланмоқда.

Бу ютуқларга корхонани бошқариш соҳасида туб ўзгаришларга асос солингани, ёш ва замонавий раҳбар Исмоил Исматовнинг тадбиркорлик билан давр талаблари асосида иш олиб бораётгани, ишлаб чиқаришда илғор технологиялар қўлланилаётгани, жамоа кўнглига йўл топилгани, касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларга ҳар томонлама намунали меҳнат шароитлари яратиб берилаётгани билан эришилмоқда.



Дарҳақиқат, бу натижалар ҳавас қилса арзигуликдир. Ишчи-хизматчиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун қилинган ишларни акс эттирувчи рақамлар билан танишиб ўтайлик. Корхонада 2002 йилда ўртача иш ҳақи 78 минг сўм бўлса, 2003 йилда 112 минг сўмга етди. 2004 йилнинг биринчи ярмида эса 147 минг сўмга кўтарилди. Айни пайтда ҳар бир ишчи-хизматчи кунига 1200 сўмлик бепул озиқ-овқат чиптаси олмоқда. Корхонада 2002 йили ижтимоий кафолотлар тўлови учун 168 миллион сўм ажратилган бўлса, 2003 йилда 313 миллион сўм сарфланди. Бу жамоа шартномасида белгиланганидан 116 миллион сўм кўп демакдир. Корхонада мингдан зиёд ишчи-хизматчи ишлаётганини ҳисобга олсак, бу рақам йилига ҳар бир ходимга 400 минг сўмга яқин маблағ ижтимоий ҳимоя учун сарф этилаётганини кўрсатади.

Корхонада ёшларни ўқитиш ва қайта ўқитишга, айниқса, эътибор катта. Зеро, корхона келажагини айнан ёш мутахассислар белгилайди. 2003 йили ана шу мақсадлар учун 8 миллион сўм сарфланди. Бу аньана тусини олгани қувончлидир.

Кейинги йилларда заводнинг 500 ишчи-хизматчиси Бухоро, Хива, Туркистон, Самарқанд, Шоҳимардон саёҳатида бўлди. 600 кичкинтой соғломлаштириш лагерларида бепул ҳордиқ чиқарди. 156 киши Ўзбекистоннинг энг машҳур санаторийларида, 600 киши корхона профилакторийсида соғлиқларини тиклади. Тошкентдаги муҳташам санъат саройлари ва театрларга 5 минг киши бепул тушди. Ўтган йил ёзда корхонанинг 40 йиллиги тантаналари ўтказилди. Унда 20 нафар фахрийга «Ролсон» телевизори, 48 нафар фахрийга гиламлар совға қилинди. Шу сана муносабати билан корхона музейи ташкил этилди.

Бир гуруҳ муҳандис-техник ходимлар, цех бошлиқлари «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятида бўлишиб, тажриба алмашдилар. Бу сафарнинг натижаси ўлароқ корхонада энг яхши меҳнат муҳофазаси, маънавият ва маърифат цехи номи учун танлов эълон қилинди. Танловда қувур цехи биринчи, таъмирлаш-механика цехи иккинчи, юклаш цехи учинчи ўринни олди ва ғолиблар уч юз минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирландилар.

Корхона кутубхонасига 500 минг сўмлик китоблар олиб берилди.

Заводда жисмоний тарбия ва спортга ҳам эътибор катта. Минифутбол, шахмат-шашка мусобақалари қизғин курашлар остида ўтмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида спортга 600 минг сўм сарфланди.

Жамиятда меҳнат муҳофазасига катта эътибор берилмоқда. Ҳар йили шу мақсадга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 2002 йилда шу мақсадга 156 миллион сўм сарфланган бўлса, 2003 йилда бу маблағ 237 миллион сўмни ташкил этди. Ишчиларга махсус кийим-бош, ҳимоя воситалари учун ажратилаётган маблағ 30 миллион сўмга етди.

Ўтган йил сентябрь ойида МДҲ давлатлари асбест ишлаб чиқарувчилари ва ундан фойдаланувчилар ассоциацияси ташаббуси билан «Оҳангароншифер» корхонасида катта халқаро семинарнинг бўлиб ўтиши ҳам бежиз эмас. Чунки, бу корхона жамоасининг иш тажрибасида бошқаларга намуна бўладиган жиҳатлари ҳам кўп. Унда Россия, Беларусия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг шифер, асбест ишлаб чиқариш бўйича йирик мутахассислари, олимлар, тиббиёт ходимлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, журналистлар қатнашдилар.

Тадбир иштирокчилари корхона цехлари ва бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиб чиқиб, унга юқори баҳо бердилар. Ассоциациянинг ижрочи директори, «НИИпроектасбест» очиқ акциядорлик жамияти (Россия) бош директори Виктор Иванов шундай деди:

— «Оҳангароншифер» заводи менда жуда яхши таассурот қолдирди. Ҳаммадан ҳам ишлаб чиқариш маданиятига тасанно. Биз оҳангаронликлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Завод маъмуриятига халқаро семинарни аъло даражада ташкил этишгани учун алоҳида ташаккур билдираман.

Бу завод ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, чет эллик мутахассисларнинг фикрларига бежиз тўхталганимиз йўқ. Зеро, уларнинг баҳоси холисроқ ҳамда аниқроқдир. Корхона нафақат Тошкент вилояти ва республикамизда, балки МДҲ давлатлари саноат корхоналари ичида ҳам яхши иқтисодий ва молиявий кўрсаткичга эгадир. Бу хорижда ҳам тан олинган. Чунончи, 2003 йилда Санкт-Петербургдаги менежерлар уюшмасида МДҲ мамлакатларидаги 1300 дан зиёд саноат корхоналарининг фаолияти ўрганиб чиқилиб, маълумотлар Париждаги саноатни қўллаб-қувватлаш ассоциациясига тақдим этилган эди. Бунда асосий эътибор корхоналарнинг иқтисодий фаолияти, молиявий ҳолати ва ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш кафолатларига, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ликвидлилик даражасига қаратилган бўлиб, бу борада «Оҳангароншифер» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг кўрсаткичлари жуда яхши эканлиги қайд қилинди. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш суръати 123,5 фоиз, хорижга жўнатиш суръати 120,7 фоизни ташкил этган. Зеро, маҳсулотни экспорт қилиш ҳар бир корхона учун нуфузли ва салоҳиятини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади. Барча жабҳалардаги фаолият ҳисобга олиниб, «Оҳангароншифер»га Париждаги саноатни қўллаб-қувватлаш халқаро ассоциациясининг олтин медали берилди. Фаолияти ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан барқарорлиги халқаро даражада тан олинган «Оҳангароншифер» жамияти нуфузини замонавий технологияларни дадил қўллаб, жаҳон стандартлари даражасида маҳсулотлар чиқараётган билимдон, зукко ва тадбиркор ишчи, мутахассис ва раҳбарлари белгилайдилар.

Бундай ютуқлар негизида авваламбор халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бунёдкорлик салоҳияти, одамларимизнинг онги ва тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгараётгани, улар ўзини шу юртнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани мужассам. Юртимизда «Оҳангароншифер» сингари халқаро ишлаб чиқариш майдонида бемалол беллашаётган корхоналарнинг келгусида янада кўпайиши шубҳасиздир.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.

***СУРАТЛАРДА:** тайёр маҳсулотлар цехи; корхонанинг тиббиёт пунктида; маркетинг бўлими бошлиғи Ф. Шамсуддинов, тақсимот бўлими бошлиғи Ф. Аҳмедов ва транспорт цехи раҳбари К. Можиев иш юзасидан суҳбатлашмоқдалар.*

• Ижтимоий муҳофаза

ҲАММАСИ БЕПУЛ

Яқинда вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан 2004 йилда пахта йиғим-теримида самарали меҳнат қилган ва узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритган 45 нафар оддий меҳнаткашга бепул йўлланма тарқатилди.

Бадавлат бўладими ёки ночорми, барибир инсон зоти доимо қадрга, эътиборга муҳтожлик сезади. Қалби шуни кўмсайди, соғинади. Айниқса, эътибор кўрсатилса, инсоннинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Ўзи яшаб турган юртнинг равнақи учун тинмай меҳнат қилиб, келажагига катта умид билан боқади.

Республикамизда мустақиллик йилларида фуқароларнинг қадр-қимматини кўтариш, ҳар бирига эътибор қаратишга катта аҳамият берила бошланди. Яқинда вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан 2004 йилда пахта йиғим-теримида самарали меҳнат қилган ва узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритган 45 нафар оддий меҳнаткашга бепул йўлланма тарқатилди. Улар юртимиздаги нуфузли соғломлаштириш масканлари — «Турон», «Чинобод», «Ботаника», «Янгийўл» сиҳатгоҳларида бўлиб, ўзларини қийнаб келаётган хасталиклар бўйича даволандилар.

— Эсимни таниганимдан буён далада меҳнат қиламан, — дейди Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалигидан келиб, «Турон» сиҳатгоҳида даволанаётган 66 ёшли Кубурахон Аҳророва. — 8 фарзандимни вояга етказиб, уйли-жойли қилиш учун тинмай ишладим. Лекин бирор марта бундай жойларда даволаниб, ҳордиқ чиқармаганман. Раҳмат, мана шундай имкониятни менга раво кўрганлари учун.

— «Касаба уюшмасига сизни чақирашяпти» дейишганида, сабабини тушунмай, ҳайрон бўлдим, — суҳбатга қўшилди Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк ота» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Синдибой Серикбоев. — Бориб учрашганимда «Сизга санаторийга йўлланма бор» дейишди. Оддий бир деҳқон бўлсам, нега энди менга беришмоқчи, деб «Ука, дам олишга менга йўл бўлсин, у жойларда ётишга менда ортиқча маблағ йўқ» дедим. У ҳам ҳайрон бўлиб, «Йўлланма текин, «Турон» сиҳатгоҳида бепул даволанасиз», — деди. Йўлланмани қўлимга олиб, ич-ичимдан қувондим. Ҳозир асаб касаллиги бўйича даволанаяпман. Шароити аъло. Ҳатто, меню бўйича овқатланамиз. Бундай ишларни ташкиллаштирган касаба уюшмалари вилоят кенгашига раҳмат.

Бу ердан чиқиб, бошқа бир сиҳатгоҳ — «Чинобод»га бордик. Бу ерда ҳам вилоятимиз пахтакорларидан 8 нафари даволанаётган экан.

— Шунча йил ишлаб, чарчаган бўлсак, мана бу ерда ҳиссаси чиқди, — деди оққўрғонлик механизатор Эшқувват Шерназаров. — Бунинг сабаби бепул йўлланма бўлса керак, — ҳазиллашиб қўйди у. — Давлатимизга раҳмат. Назардан четда қолмадик. Озми-кўпми меҳнат қилган эканмиз, эътиборга лойиқ бўлиб, мана, даволанаяпмиз. Яна бир ҳаяжонлантирадиган томони бу ерда саломатлигини тиклаётганларнинг бирортаси ҳаётларида ҳали бундай жойларни, бундай даволаш усулларини кўрмаган эканлар.

Биз сиҳатгоҳларда даволанаётганлар билан гаплашганимизда улар юртимиздаги ислоҳотлар, янгиланишлар ҳақида ўз фикрларини билдириб, ўзларига кўрсатилаётган эътибор йил сайин ортиб бораётганлигидан мамнун эканликларини айтишди.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

• Долзарб мавзу

ЧЕКИШ ҲАМ, ИЧИШ ҲАМ – ИЛЛАТ

Дунёнинг ишларига ҳайрон қоласан киши. Баъзан кўз ўнгингда юз бераётган воқеа-ҳодисалар қаттиқ изтиробга солади, чуқур ўйга толдиради.

Бундан чамаси бир ҳафта илгари, ярим кечаси навбатчиликдан қайтаётгандим. Уйимизга юз қадамча қолганда, кўчанинг чап тарафида, бир бурчакка кириб олиб, сигарета тутатаётган икки болага кўзим тушди. Негадир ғашим келди, индамай ўтиб кетишни ўзимга эп кўрмадим. Болаларга яқинлашдим. Иккиси ҳам мени кўриши билан қўлидаги сигаретани оёқ остига олиб, эзиб ташлашди. Чунки, улар мени танишарди.

Ёш бола бўла туриб сигарета чекишларининг сабабини сўраганимда улардан садо чиқмади, индамай ерга қараб туравершди. Мана, неча кунки, шу манзара кўз ўнгимдан кетмайди.

Ҳали оқни қорадан ажрата олмайдиган бу болакайлар шу ёшдан чекишга интилаётганининг сабаби нима? Ёки катталарга болаларча тақлидми бу? Наҳотки, ота-она фарзандининг бундай ноқобил иш билан шуғулланиб юрганлигини билмайди ёки билсада, парво қилмайди?

Ана шу ўй-хаёллар билан юрар эканман, вилоят клиник шифохонаси шифокори Набилилло Солихонов билан тасодифий суҳбатлашиб қолдик. Гап чекиш мавзусига тақалди. Унинг айтишича, ёшликдан сигарета чекишга одатланган кишиларнинг фарзандлари ҳам келажакда бу иллатга илакишар экан. Чунки, сигаретага бўлган эҳтиёж қон орқали болага ҳам ўтар экан. Натижада, у ҳам ўзи хоҳламаган ҳолда кашандалик тузоғига илиниб қолар экан. Иллатнинг ёмон томони шундаки, кашанда киши ёнидаги одамнинг сигарета чеккан ёки чекмаганлигини била олмайди. Чунки, димоққа ўтириб қолган сигарета ҳиди ташқаридан келган ҳидни англашга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам кашанда ота-оналар фарзандлари чекаётганлигини сезмайдилар. Оқибатда, бу қусур авлодлардан авлодларга ўтаверади.

Шифокорнинг айтишича, ота ёки она йўл қўйган хато оқибатида эндигина бу йўлга кирган ёшларни қайтариш ва даволаш мумкин экан. Фақат буни вақтида англаш ва олдини олиш лозим. Бу гаплардан кейин юқорида айтганим икки норасиданинг ота-онаси ҳақида суриштирдим. Шифокор айтганидек бўлиб чиқди. Иккисининг ҳам отаси ёшлигидан сигарета чекишга ўрганган экан.

Лекин, афсуски, бугунги кунда ёшлар орасида гиёҳвандлик каби энг даҳшатли иллатнинг авж олиб бораётгани бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда.

Гиёҳвандликнинг оқибатлари сигарета ёки спиртли ичимликдан кўра минг чандон ёмонлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Охири ўлим билан якунланувчи бу боши берк кўчага ёшлар нима учун кириб қолмоқдалар? Гиёҳванд моддалар тарқалишига кимлар йўл қўймоқда?

Жавоб аниқ: ўз манфаатини эл-юрт, халқ манфаатидан устун қўювчи, маънавий бойликдан моддий бойликни афзал билувчи кишилар қилмишларининг оқибатини била туриб, шу ишларга қўл урмоқдалар.

Биргина мисолга мурожаат қилсак. «ВВС» радиосининг тарқатган хабарига қараганда, Афғонистонда тинчлик ўрнатилгунига қадар 900 гектардан кўпроқ майдонда гиёҳванд моддалар етиштирилган бўлса, бугунга келиб шундай заҳри қотил экин эгаллаган майдон 2 минг гектардан ошди.

Бу маълумотлар қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлиги бизга номаълум. Бироқ бу балонинг дунё миқёсида шу қадар тез тарқалиб бораётгани келтирилган рақамлар ҳақиқатга яқин эканлигидан далолатдир.

Хўш, инсонларнинг бу тарзда ўзларини алдашлари ва ўз оёқларига ўзлари болта уришлари қачонгача давом этади ёки бунинг охири нима билан тугайди? Ер юзида давосиз хасталикларнинг кўпайиб бораётгани ҳам ана шу иллатнинг оқибати эмасми?

Бугун шу нарсани бонг уриб айтиш мумкинки, бутун ер юзи аҳолиси бу иллатга қарши биргаликда, онгли равишда курашмас экан, охир-оқибат инсоният бошига оғир кулфатлар тушиши муқаррар.

Оммавий ахборот воситаларининг тарқатаётган хабарларига қараганда ер юзидаги айрим мамлакатларда чекиш, гиёҳвандлик ва алкоголизм каби иллатларга қарши кураш борасида бир қатор амалий ишларга қўл урилмоқда.

Юртимизда ҳам бу иллатга қарши кураш борасида қатъий чора-тадбирлар белгиланган. Тамаки маҳсулотларини реклама қилишнинг тақиқланиши, чегара постларидан гиёҳванд моддаларнинг ўтишига қарши қатъий тўсиқлар қўйилгани ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Жамоат ташкилотлари ва бир қатор муассасалар бу борада турли ташаббуслар билан чиқаётганлиги ҳам қувонарли ҳол. Хусусан, Тошкент Давлат аграр университети ҳудудида талабаларнинг чекишлари тақиқлаб қўйилган. Сигарета чеккан талабалар ҳатто ўқишдан четлаштирилиши ҳам мумкин. Бу каби саъй-ҳаракатлар ҳамма жойда оммалаштирилса, мақсад сари яна бир қадам қўйилган бўлар эди.

Бироқ ер юзига соя солаётган бу балога қарши бир ёки бир неча давлатнинг саъй-ҳаракати билан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Дунё аҳли бу даҳшатли иллат илдизини қуритмоғи лозим.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО «SHARQ ZIYOKORI»

Порядковый номер сообщения — 10.

1. Наименование существенного факта: досрочное прекращение полномочий исполнительного органа.

2. Орган управления эмитента, в котором произошли изменения: исполнительный орган:

Предыдущий:

Каримжанов Х.К. — директор ОАО «SHARQ ZIYOKORI». Трудовой контракт прекращен с 4.01.2005г. Акции общества не имеет.

Новый:

Хамзаев Р.А. — и.о. директора ОАО «SHARQ ZIYOKORI». Имеет акции общества в количестве 135 штук.

3. Полное название организации, местонахождение и почтовый адрес: открытое акционерное общества «SHARQ ZIYOKORI», г.Ташкент, Мирабадский район, ул. Буюк Турон, 41.

4. Дата, в которой произошли изменения: 4.01.2005 г.

5. Уполномоченный орган эмитента, принявший решение, являющееся основанием указанных изменений: Наблюдательный совет.

Наблюдательный совет.

Юнусобод туманидаги «Ёлкин Юлдуз» хусусий корхонасига тегишли думалоқ муҳр, бурчак штампи ва банк чеки йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ҲИНДИСТОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН АКСИ

Ҳиндистонда кўп нусхада нашр этиладиган халқаро масалаларни ёритувчи «INDIA» журналининг сўнгги сони «Ўзбекистон ҳақидаги махсус сон» номи билан чоп этилди.

Нашр муқовасида битилган «Дўстлик — бу муҳим масаладир» деган умумий сарлавҳа остида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Ҳиндистон Республикаси Президенти Абдул Қаламнинг рангли суратлари ёнма-ён чоп этилган бўлиб, журналнинг илк саҳифаси бугунги Ўзбекистонни ҳиндистонликларга таништирув мақоласи билан бошланади.

Бундан ташқари, республикамизда долзарб ижтимоий-сиёсий масалалар мавзусига бағишлаб ўтказилаётган турли халқаро анжуманларга ҳам алоҳида аҳамият берилган.

«INDIA» йирик тиражда чоп этиладиган нашрлардан бири бўлиб, у нафақат Ҳиндистонда, балки Буюк Британия, АҚШ, Непал, Сингапур ва дунёнинг бошқа яна кўпгина мамлакатларидаги журналхонлар ўртасида ҳам севиб ўқилади.

«Жаҳон» АА.

ҒОЛИБЛАР БАЙРАМ КУНИ ТАҚДИРЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида "Энг яхши мутахассис" учинчи республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда "Энг яхши батальон командири", "Энг яхши взвод командири", "Энг яхши гуруҳ командири", "Энг яхши сержант" йўналиши бўйича ғолиблар аниқланди.

Мазкур тадбирда Мудофаа вазирлиги, Ички Ишлар вазирлигининг Ички ва қоровул қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари қатнашди.

Танлов уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқич йил давомида қисм ва ҳарбий-таълим ўқув даргоҳларида, иккинчи босқич эса ҳарбий округ ва унга тенглаштирилган бирлашмаларда бўлиб ўтди. Учинчи финал босқичида ғолиблар ҳарбий округ ва Қуролли Кучларнинг бирлашмаларида аниқланди.

"Энг яхши мутахассис" кўрик танловининг ғолиблари 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилишда тақдирланади.

«Туркистон-пресс».

ПОЙТАХТНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИЛАР

Иш унумдорлиги ва самарадорлиги меҳнаткашнинг ижтимоий ҳимоясига ҳамда ҳар тарафлама қўллаб-қувватланишига боғлиқлиги аллақачон тажрибада ўзини оқлаган.

Зангиота туманидаги Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги раҳбарияти ва аъзолари меҳнат самарадорлигининг ушбу усулидан фойдаланишади. Ҳар йили хўжалик аъзолари ва уларнинг оилалари қиш мавсумида турли оромгоҳ ва сиҳатгоҳларга ҳордиқ чиқариш ва даволаниш учун юборилади.

Хўжалик ўтган 2004 йилда барча давлат шартнома режаларини тўла бажариб, салмоқли даромадга эга бўлди. Шу сабаб, унинг аъзолари турли масканларда ором олиш ва соғликларини тиклашлари билан бир қаторда юртимизнинг қатор диққатга сазовор жойлари ва зиёратгоҳларида бўлдилар.

Хусусан, куни кеча 100 нафарга яқин хўжалик аъзолари ва уларнинг оилалари пойтахтдаги Амир Темур хиёбони ва Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлиб, темурийлар даври ва ёдгорликлари билан танишдилар. Шунингдек, «Халқлар дўстлиги» санъат саройида бўлиб ўтган кулгу усталарининг катта концертида мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

— Хўжалигимизда бундай анъана бир неча йиллардан буён давом этиб келади, — дейди узумчилик бўйича бош пудратчи Абдураҳмон Нурмуҳамедов. — Бу сафарги пойтахтимиз бўйлаб ўтган сайримиздан ҳам катта таассуротлар олдим. Айниқса, Темурийлар тарихи Давлат музейида тарихни қайтадан варақлагандек бўлдим. Муҳташам санъат саройидаги концерт дастури эса барча ҳамкасбларимнинг ёдида қоладиган бўлди.

— Деҳқону боғбонларимизнинг соғлиги, саломатлиги биз учун муҳим, — дейди хўжалик бошқаруви раисининг ўринбосари Аваз-хон Обидов. — Улар ўз меҳнатларидан рози бўлсалар, эртанги кун учун енг шимариб, чин кўнгилдан ишга киришсалар, олдимизга қўйган барча мақсадларимизга эришаверамиз, хўжалик ҳам равнақ топиб бораверади.

СУРАТЛАРДА: хўжалик аъзолари Темурийлар тарихи Давлат музейида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

• Бизнинг мусоҳаба

ҒАЛАБАНИ ЧИНИҚҚАНЛАР ТАЪМИНЛАЙДИ

Республикада травматология, ортопедия ва нейрохирургия соҳаларининг равнақ топишига муносиб ҳисса қўшган шифокор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирзабурхон Дўсмуродов билан бир неча йил илгари бўлган суҳбатимиз ҳамон ёдимдан кўтарилмайди. У ўшанда: «Сиҳат-саломатлик — бу бебаҳо бойлик, оналари соғлом, фарзандлари бақувват, баркамол бўлган юрт жаҳонга юз тутади. Улар қўлга киритган ғалабалари билан бутун дунё аҳлини лол қолдиради», — деган эди.

Ҳа, Ўзбекистонни жаҳон танияпти, тан олаяпти. Спорт соҳасида юртимиз ўғлонлари мамлақатимиз байроғини турли қитъаларда баланд кўтариб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни халқаро майдонларда ҳам исботлашмоқда.

Яқинда хизмат юзасидан олий маълумотли ҳакам, спорт жонкуяри, «Металлург» футбол клуби шифокори Мирзабурхон Дўсмуродов билан учрашдик. Суҳбатимиз спорт тиббиёти, унинг муаммолари хусусида кечди.

— Футбол — бу нима ўзи?

— Футбол мамлакатни машҳур қилади, бутун дунёга танитади, болалар соғлом, бақувват, кўркам бўлиб вояга етишини таъминлайди. Миллион-миллион одамларга завқ-шавқ бахш этади. Футбол бу — кези келганда баракали меҳнат, аъло кайфият, юртимиз шаъни ҳамдир.

— Футбол клуби шифокори сифатида нималардан ташвишдасиз?

— Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, уни ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш юзасидан кўп ишлар амалга оширилаётганидан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Лекин ўзбек футболи ривожига «соя» ташлаб турган томонлар ҳам борки, футболчи соғлиги, унинг саломатлиги мени кўпинча ўйга толдиради. Ҳануз расмиятчилик, сохта ҳужжатлар тақдим этиш йўли билан ўзимизни ўзимиз алдаб қўймаяпмизмикан? Тиббий хизмат кўрсатишдаги юзакичилик, ўзибўларчилик кайфиятлари яшил майдонда яққол сезилиб қолаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлаяпмиз-ку, ахир. Футболчи гоҳида 90 дақиқалик шиддатли «жангга» дош бераолмай, ҳолдан тойиб қолмоқда. Икки таймга «нафаси» етмаяпти. Футболда ҳалоллик, поклик, ростгўйлик ғалабалар мезони эканлигини доимо ёдда тутиш лозим.

— Ўзбекистон Футбол федерацияси, республика соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан футбол клублари ўртасида алоқалар қандай? Ҳозирги вазиятдан қониқиш ҳосил қила оласизми?

— Бу жуда долзарб масала. Ҳа, кўнглимдаги гапни айтдингиз. Футболчига жаҳон спорти меъёрлари талаби даражасида, юксак савияда малакали тиббий хизмат кўрсатишни ягона устувор вазифалардан бири, деб ҳисоблайман. Аслида ҳам шундай. Аммо ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Ушбу федерацияга клублар катта маблағ ўтказади. Ана шу сармоядан футболчиларнинг саломатлигини тиклашга маълум фоиз ажратилса, ёмон бўлмас эди. Энг аввало, шифокорларга амалий, услубий кўмак, мадад ҳам беришни гоҳида унутиб қўяётирмиз. Фойдали семинарлар, малака ошириш бўйича ўқув курслари, вақти-вақти билан тажриба алмашиш юзасидан машғулотларни ташкил этиш фойдадан ҳоли эмас.

Ҳозир мен футбол шифокорларининг йиғини, анжуманини қачон бўлганлигини эсолмайман. Балки, кимларнингдир, қайси бир мутасадди идора раҳбарларининг совуқ-қонлиги сабабдир, бунга. Спортда, айниқса, футболда тиббий хизмат кўрсатишда мудроқлик бўлса, «яра газак олиб кетади».

Футбол ўта соғломликни талаб этар экан, демакки бизда ҳам ўта малакали шифокор, хориж давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда махсус шифохона, санаторий-профилакторий, тез тиббий ёрдам бериш муассасалари бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу масалалар жумладан, Европа ва Жанубий Америкада ҳал этиб бўлинган. Юқорида сиз қайд этиб ўтган вазирликлар, федерациялар ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда иш олиб боришса, тиббий хизмат кўрсатиш юқори поғонага кўтарилса, мамлакатда профессионал футбол пойдеворига асос солган бўламиз. Бунинг учун юзакичилик, сохта маълумотлар бериш, турли кўринишдаги «илтимосномалар, ўйинчини сотиш», енг ичида пора узатишлар, кўзбўямачилик, ҳакамларнинг «ён босишлари», бир-биримизни алдаш каби салбий иллатлардан бутунлай воз кечишимиз керак бўлади. Аччиқ бўлса ҳам айтаман, бундай ярамас кўринишлар ҳамон ўзбек футболига кўланка ташлаб турибди.

— Бугун мен фалон футболчи гиёҳвандликка берилган, сурункали ичади, соғлиги тўғрисида сира ўйламай қўйди, деган фикрдан мутлоқ йироқман. Қўлимда далиллар ҳам йўқ. Лекин... Сизчи, сиз бу масалага қандай қарайсиз?

— Дунё футбол оламида бу бор гап. Айтмоқчи бўлганингиздек, заҳри қотил, оғу нафақат ҳаётимизга, ҳаттоки яшил майдонларгача кириб келмоқда. Бу — ўта даҳшат! Ҳозир ҳаммамиз индамасак, касални яширсак, бора-бора иситмаси ошкор қилади. Мен шифокор сифатида футболчи ана шундай дардга мубтало бўлишидан жудажуда қўрқаман.

Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, гиёҳвандлик, ўз соғлигини ўйламай, кўр-кўрона ҳаёт кечириш ҳеч бир футболчига обрў олиб келмаган. Аксинча, уни катта футболдан узоқлаштириб, турмушига путур етказганлигини эшитаяпмиз, кўраяпмиз ҳам. Шахсан мен чекмайман, ичмайман, ни ҳис этиши лозим.

Аминманки, 2005 — Сиҳат-саломатлик йилида федерациялар, дахлдор вазирликлар, қўмиталар биз шифокорлар масъулиятини янада ошириш, футболчилар саломатлигини муҳофаза этиш масаласида ўзига хос, замонга мос дастурлар яратадилар. Бу ҳужжатлар шунчаки хўжакўрсинга, расмиятчилик учун эмас, балки юртимизда футболчи соғлигини мустаҳкамлашга, профессионал футболни ривожлантиришга хизмат қилсин.

— Тиббий хизмат кўрсатишда ўйингоҳдаги шарт-шароитлар, шифокор малакаси, профилактик ишлар, футболчи соғлиғини назорат қилиб бориш хусусида қандай фикрдасиз?

— «Металлург» футбол клуби президенти, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Александр Фармоновнинг саъй-ҳаракати туфайли бу масалаларда бизда муаммо йўқ. Стадионда, теннис кортида, Анохин номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасида тиббий хизматга ҳамиша тайёрмиз. Тикланиш, терапия хоналари мавжуд. Зарурий тиббиёт асбоблари, дори-дармонлар бор.

Хўш, ҳамма жойда ҳам шароит шундайми? Олий ва биринчи табақа футбол жамоалари шифокорлари шундай қулайликлардан бахрамандмилар? Йўқ, албатта, Етарли малакага эга бўлмаган, ўрта тиббий ходимлар ёки умуман маълумотсиз, бу соҳадан бутунлай йироқ бошқа касб эгалари ҳам шу лавозимни эгаллаб туришибди. Чиройли спорт формасини кийиб олиб, сумкани елкага ташлаб, таралабедод қилиб юрганимиз билан футболчи соғлигини тиклай оламизми, ахир? Назорат кучайтирилиши, биринчи тиббий ёрдам беришга ҳамиша шай туришимиз, профилактик ишларни эса ўз вақтида, кечиктирмасдан бажариш зиммамиздаги асосий вазифадир.

— Нималар тўғрисида кўпроқ ўйлайсиз?

— Албатта, энг аввало, футбол, профессионал футбол ҳақида. Қани энди йигитларимиз спортнинг бу тури бўйича ҳам дунёда шон-шуҳрат қозонишса. Кечалари ўйлаб чиқаман: нима етишмаяпти бизга? Яхши мураббий, тажрибали ҳакам ҳам, машҳур футболчилар ҳам орамизда бор. Фақат соҳани жуда чуқур биладиган, бутун ҳаётини, куч-қувватини, ақл-заковатини ўзбек футболининг ривожига бахшида этадиган ҳақиқий, жонкуяр, истеъдодли профессионал мутахассисларни кашф этмоғимиз керакка ўхшайди. Футбол лицейи, коллежи, мактабларида соғлом, чиниққан, зуваласи пишиқ, машаққатларга бардош берадиган ақтидорли ёшларни тарбиялаб вояга етказишнинг вақти келган, аллақачон. Ўша жаҳон яшил майдонларига тушадиган футболчиларимиз ўз ортида суюкли халқи кўз тикиб турганлигини юрак-юракдан ҳис этмоғи керак.

— Мана, янги 2005 йил ҳам кириб келди...

— Унинг — «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинишида катта маъно бор. Ҳар бир оилага, ҳар бир кишига мустаҳкам соғлик тилайман. Спортдаги, футболдаги қўлга киритиладиган муваффақиятларимиз Ватанимиз шуҳратини дунёга ёйсин, халқимизга аъло кайфият, тетиклик бахш этиб, ҳамиша уларни янги зафарларга руҳлантириб турсин.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Турсунали УСМОНОВ суҳбатлашди.

ДОНО СЎЗ — ДУНЁ КЕЗАР

- *Ёмондан нари юриш фарз — бу қабоҳатнинг олдини олади, яхшига ёндошмоқ айни муддао — фазилатга йўл очади.*
- *Зийнат — инсоннинг ташқи қиёфасига, фикр — унинг ақлидрокига мутаносибдир.*
- *Суратгар қўли ва турли туман бўёқлар ёрдамида инсонни гўзал қилиб тасвирлай олади, лекин унинг ички дунёсини тасвирлашга ожизлик қилади.*
- *Истеъдодли одамга — дағаллик, қобилиятсизга — мансаб ярашмайди.*
- *Жаҳонда бор нарса — ақлга, ақл эса тажрибага муҳтождир.*
- *Ҳашамат — фикр юритиш ёки мутакаббирликда эмас, ҳайбат дағалликда эмас, одилликда.*
- *Уч ҳунар бошқа уч нарса билан қўшилмайди: ҳақиқат — сўз билан, шафқат — ғазаб билан, таом — ҳирс билан.*

• Турмуш чорраҳаларида

ЭНДИ УЧРАШМАСАК КЕРАК...

Шу бозорга ҳар тушганимда бир манзарага гувоҳ бўламан. Чамаси ёши олтмишларни қоралаб қолган аёл шом пайтида расталарни айланади. Бор илинжи шуки, шояд қоплардан тушиб қолган бирорта пиёзми, сабзими, картошками, қанд-қурс ёки туршакми, бир бурда нонми, нима бўлса ҳам унга насиб қилса, бирор егулик топса. Аёлнинг юзларини ажин босган, офтобда қорайган, умри муттасил азобда кечгандек гўё. Унинг сўлғин лаблари эшитилар-эшитилмас пичирлайди, ўзича нималарнидир шивирлайди. Аммо, нима деяётганини тушуниш қийин эмас. Аёлга раҳми келганлар қопидан ул-бул олиб беради, имкони борлар хайр-эҳсон қилади. Баъзилар бунга бепарво, мийиғида кулиб кўяди.

Манзарани четда кузатар эканман, ҳар сафар кўнглим алланечук бўла бошлайди. Ич-ичимда ачиниш ё хижолатга ўхшаш кечинмалар бош кўтаради: «Ким ўзи бу аёл? Ё телбаликми? Балки шу тақдиридан розидир у. Эҳтимол лойиқдир шу ёзиққа. Ё ҳеч кими йўқ бир бечорадир? Ким билсин...» Шу хаёлларда беихтиёр аёлнинг ортидан кузатаман. Унинг кўнглини сўрагим, ҳасратлашгим келади, худди яқин одамимдек, у томонга талпинавераман. Аёл ниҳоят чирк босиб кетган халтасини ҳар нарсага тўлдиргач, атрофга олазарак қараганча, бозор дарвозаси томон юради.

Нима қиларимни билмай, нарх-наво бироз пастлайдиган кечки бозордан рўзғор қилиб, уйга қайтаман. Кўрган-кечирганларимдан кайфиятим бузилиб, худди бутун дунёнинг ташвиши менинг гарданимга тушгандек, гунг бир ҳолатда уйга кираман.

Кунларнинг бирида аёлни бозорда яна учратдим. Узоқ тикилиб турган эдим, қутилмаганда аёл олдимга келиб, салом берди. Атрофдагиларнинг эътиборини жалб этмаслик учун секингина алик олдим-у, ўзимни ноқулай сезиб, жойимдан жилмоқчи бўлдим. Аёл мени тўхтатди.

— Укажон, Худо хайрингизни берсин, ўзим ўқитувчиман, кўриб турибсиз, жиннига ўхшамайман-ку...

Аёлнинг гаплари мени гангитиб, тамоман ғалати аҳволга солиб қўйди. У эса, худди мен қочиб кетадигандай, гапи чала қоладигандай шошилиб, пойинтар-сойинтар гапларни айтарди:

— Менга ёрдам беринг. Сизнинг қўлингиздан келади. Таниқли инсонсиз.

— Мендан нима истайсиз, холажон, — дедим тамоман ноқулай аҳволга тушиб.

— Рўзғор ташвишларидан қийналиб қолдим, — деди аёл кўзларимга тик қаролмай. — Раҳматли эримдан қолган бир эсдалик бор эди, шуни ҳеч сотолмаяпман.

Аёл шундай деб, қўйнидан бежирим тўқилган тилла занжир чиқарди. Уни қўлида маҳкам сиқиб, гўё биров олиб қўядигандек, дарров яширди.

— Шуни сотиб олинг, жуда пул зарур бўлиб қолди, болам касал, дори олишим керак, — деди йиғлагудек бўлиб. — Йўқ деманг, Худо хайрингизни берсин.

— Менда унақа катта пулнинг ўзи йўқ, — дедим хижолат бўлиб. — Қолаверса, турмуш ўртоғингиздан ёдгорлик экан.

— Азбаройи зор бўлганимдан шундай қиляпман, — аёл энди росмана йиғига тушди. — Арзон бераман, болаларимнинг бош кўзидан айлансин.

Аёл узоқ ёлвориб, йиғлаб-сиқтагандан кейин ҳалиги занжирни киссамдаги бор пулга, арзон-гаровга «бор-барака» қилдик. Аёл ҳожати чиққан мусофирдек, мени дуо қила-қила кўздан ғойиб бўлди. Қилган ишимдан қанчалик хижолат бўлмай, ўзимча унинг мушкулини осон қилганимдан таскин топиб, уйга қайтдим. Аммо бировнинг ёдгорлиги менга қувонч келтирармикин, деган ҳадик ҳеч тинчлик бермасди. Охири, ўйлаб-ўйлаб, занжир эгасини бозорда учратсам, уни қайтариб беришни кўнглимга тугдим-у, сўнгра хотиржам бўлдим. Майли, пул топилар...

Аммо, воқеа тамоман бошқача тус олди. Аёллар тилла буюмга ўч бўлишади-ку, рафиқам мен келтирган занжирни дарров қўшни аёлларга кўрсатибди. Сабил қолгур тақинчоқни қўлма-қўл қилиб, томоша қилган қўшни аёллар унинг асл тилла эканлигига гумон қилишибди. Ниҳоят текширтиришса, у чиндан ҳам қалбаки экан.

Янги йил арафасида яна шу бозорга тушдим. Байрамга ул-бул харид қилиш керак эди. Бир кўзим савдода-ю, бир кўзим билан атрофга аланглаб, нотаниш аёлни излардим. Афсуски, шу куни уни учратмадим. Ҳали бу бозорга кўп тушаман. Лекин ўзини бечораҳол қилиб кўрсатиб, инсофу диёнатни унутган аёлни кўраманми-йўқми, билмайман.

Боир ХОЛМИРЗАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

• Акс-садо

СЎЗ АЙТМОҚ МАСЪУЛИЯТИ

«Тошкент ҳақиқати»нинг 2004 йил 29 декабрь сонида чоп этилган «Тинглаганлар уялса-ю, сўзлаганлар уялмаса...» мақоласини ўқиб

Мухбир бола, мақолангизни ўқидим. Маҳорату жасоратингизга балли. Анчадан буён ҳеч ким айтолмаётган, тўғрироғи айтишни истамаётган фикрларни қаламга олибсиз. Қорбободан «арзийдиган янги йил совғаси»ни сўрабсиз.

«FM» радио тўлқинлари карвонсаройнинг ўзгинаси бўлиб қолди, чамамда. Ким кирса, кириб, нима деб алжираса бўлаверади, чоғи. Ахир, радио деганнинг ўз «тарозуси» бўлиши ёки унда бир сўз демоқнинг масъулияти борлигидан бугунги ёш бошловчиларнинг хабарлари йўқми? Ёки эл олдига чиқиб, фикр демоқни, сўз айтмоқни аскиябозликка қиёслайдиларми?

Ахир, радио деганлари катта минбар, унга чиқиб олиб, оғзига келганини қайтармай айтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Шу денг, сиз тинглаган суҳбатга мен ҳам гувоҳ бўлгандим. Бошловчи йигит ва мухлис қизнинг бир-бири билан ишқий саргузаштларга бой суҳбатларини эшитиб, оғзим очилиб қолганди. Илгари қизлар бундай гапларни яқин дугонасига ҳам айтишга уялишарди. Ҳозир замонанинг зайлими ёки ёшларнинг майлими ё беиболикнинг шунчалик оммалашиб кетганлигими, ҳар ҳолда бундай бачканаликни ҳазм қилолмаяпман.

Мен сизга ўша «Сезам» дея аталмиш машҳур радио тўлқинидаги яна бир суҳбатни айтиб берай. Бундан чамаси бир ойлар аввал ярим тунда уйқум ўчиб кетди. Бундай пайтда энг яхши ҳамроҳ — радио. У каналга олиб кўрдим, бу каналга бураб кўрдим. Ахири, шу «Сезам»да тўхтадим.

Бир мухлис қиз телефон қилди, суҳбат бошланди. Кечирасиз-у, ўзингиз айтганингиздек бу суҳбатни тинглаб, уялиб кетдим. Агар беҳаёликка йўймасангиз, шу суҳбатни айнан, сўзма сўз айтиб бермоқчиман. Танишувдан сўнг бошловчи йигит ўзининг куракда турмайдиган гапларини бошлади:

— Тасаввур қилинг, иккимиз соҳилдамиз. Эгнимизда оппоқ, юпқа либос. Сиз нима қилардингиз?

Қиз:

— Соҳилда кийимга нима бор, ечиб ташлардим.

— Бунча шошиласиз, ахир, ҳали сиз билан яқинроқ танишиб ҳам олмадик-ку.

— Бира тўла мақсадга ўтиб қўя қоламизда.

— Бироз шошманг, улгурамиз...

Суҳбат шу зайлда, беҳаё тарзда давом этди ва охир оқибат бошловчи йигит ва мухлис қизнинг гапи гапига тўғри келмай, бир-бирини ҳақоратлай бошлади...

Бундай суҳбатларни ушбу тўлқинда бир неча бор тингладим, бири-биридан бачкана, ибо-ҳаё қолипларига тўғри келмайдиган ҳақоратомуз эшиттиришларни таърифлашга тил ожиз.

Бу билан «FM» тўлқинларидаги барча радио каналлар шундай», дейиш фикридан йироқман. Масалан, «Орият доно» деб аталмиш каналда «Фонус» номли эшиттириш бор. Тарих ва тарихий шахслар, ўша даврдаги кишилар маънавияти ва маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу эшиттиришни тинглаган кишида ижобий фикр туғилиши табиий. Ана шундай маъноли ва мазмун моҳияти кишини ўйлашга, фикр юритишга ундайдиган эшиттиришлар «Наврўз», «Ёшлар» каналларида ҳам мавжуд. Бироқ бундай ижобий таъ-рифга лойиқ каналлар ва эшиттиришлар бармоқ билан санагулик.

Шу ўринда савол туғилади. Бундай тутуриғи йўқ, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи радио каналларни назорат қиладиган бирор ташкилот ёки масъул шахслар борми, йўқми? Ёки пул бўлса чангалда шўрва, деганларидек, радио канални очиб олиб, оғизга келганини қайтармай, бемалол айтавериш бугунги куннинг урфига айланганми? Ахир, ҳамма нарсада ҳам меъёр деган тушунча бор-ку.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз юртдошим?

Неъматбек ЁҚУБОВ.

Тошкент вилояти Зангиота тумани, Ўрта овул қўрғонида жойлашган «Агромаштаъмир ИИБ» МЧЖ

ўз таъсисчиларига 2005 йил 5 февраль куни эрталаб 9.00 да таъсисчилар йиғилиши бўлишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. **Жамият низом фондини камайтириш.**
2. **Жамият таъсисчилари таркибини ўзгартириш.**

«Агромаштаъмир ИИБ» маъмурияти.

1998 йил 2 июлда Сманова Тамара Рахмановна номига берилган 06-01/11375 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан 2004 йил 5 августда Ганиев Файзулло Хаджимуротович номига берилган № 2319, 010058 рақамли савдо қилиш учун рухсат берувчи лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги «SAFFORIY SAVDO» (ОКПО 18817055) хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 125-26-38 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-046. Адади 6822. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.40. 1 2 3 4 5 6